*Фикрлаш – ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир!*

# INTELLEKT

*ижтимоий-таълимий, маданий-маърифий газета*

*2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили*

**2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2020-yil, 15-noyabr № 5(5) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ШҲТнинг навбатдаги мажлисида иштирок этди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган мажлисда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди иштирок этдилар.

Бундан ташқари, саммит ишида ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар вакиллари – Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Мўғулистон Президенти Халтмаагийн Баттулға, Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний, Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченко ҳамда ШҲТ Бош котиби Владимир Норов ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Жумахон Ғиёсов қатнашдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш саммит иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Учрашув кун тартибига мувофиқ янги глобал хатар ва таҳдидларнинг кучайиши шароитида ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мақомидаги давлатлар делегацияларининг раҳбарлари устувор йўналишларда кўп томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, уларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида таъкидлади.



Давлатимиз раҳбари яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш анъаналарини асраш ва кўпайтиришга чақирди. "Умумий қадриятимиз, биргаликда ривожланишга интилишимиз, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурматимиз ифодаси бўлган кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибаси – "Шанхай руҳи"ни мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгидан муҳим" эканини таъкидлади.

Ўзаро қўллаб-қувватлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кун тартибидаги асосий масалаларга биргаликда муроса излаш кенг Евроосиё маконида хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашнинг бош шарти сифатида қайд этилди. "Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ ҳам кучли бўлади".

Шу муносабат билан, Президентимиз томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, пандемия салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида ШҲТнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва саноат кооперациясини рағбатлантириш бўйича узоқ муддатли ҳужжатларини қабул қилиш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кучайтириш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ўсишни таъминлашда ахборот технологияларининг роли ортиб бораётганини қайд этиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолини ўқитишга қаратилган ШҲТнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича дастурини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбари камбағалликни қисқартириш масалаларида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этди. Ташкилот доирасида мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари йиғилишлари механизмини яратиш ва тегишли дастурий ҳужжат тайёрлаш таклиф этилди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимиз халқаро форум ўтказишга тайёр эканлиги билдирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТнинг Эпидемия таҳдидларига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режаси тасдиқланганини маъқуллаб, хавфли инфекцион касалликларнинг тарқалишига қарши ҳамкорликни янада фаоллаштириш, юқумли касалликлар бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш, Телемедицина соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари янги шакллар касб этаётган терроризм, экстремизм ва наркобизнес таҳдидларига қарши кураш масалалари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти эътибори марказида бўлиши лозимлигини таъкидлади.

ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкилот маконида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш ҳамда ваколатли идоралар орасидаги мулоқотларни янада кўпайтириш бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчиларини Афғонистондаги тинчлик жараёнларини ва ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга жалб этишни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шу муносабат билан "ШҲТ – Афғонистон" мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда қабул қилиш таклиф этилди. Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўприк сифатидаги тарихий ролини қайтаришга хизмат қиладиган транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ва бошқа масалалар Ўзбекистон ташаббуси билан 2021 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Хатар ва имкониятлар" халқаро конференциясининг кун тартибига киритилиши мумкин.

Келгуси йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 20 ёшга тўлади. Президентимиз ушбу муҳим сана арафасида "ШҲТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли" халқаро форумини ўтказишни таклиф этди.

Саммит якунида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Москва декларацияси қабул қилинди ҳамда ташкилот доирасидаги ўзаро манфаатли кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги баёноти қабул қилинди.

**ЎзА.**

## "ЧАНГАЛЗОР"ГА ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИНИ ЎРНАТИШДАН МУДДАО НИМА?

### Ёхуд "тақиқланмаган" тақиқловчи белгилар

**Ҳаётимиз давомида ҳар биримизга йўл белгилари тўғри ҳаракатланишимиз учун харита вазифасини бажаради. Улар йўл ҳаракати қоидаларининг асосий бўғини ҳисобланиб, фақат инсонлар манфаатигагина хизмат қилади.**

Йўл белгилари – ҳайдовчилар, пиёдалар, йўловчилар, йўл таъмирловчилари, автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида ҳаракатланишни тартибга солиш, уларни хавфли ҳудудлар ҳақида огоҳлантириш учун тегишли жойларга ўрнатиладиган шартли белгилардир. Умуман олганда, анчагина йўл белгилари бизга яқиндан таниш бўлиб, уларни деярли ҳар қадамимизда учратишимиз мумкин.

Йўл белгиларининг ўрнатилиши ва унга амал қилинишини назорат қилиш бугуннинг долзарб масаласидир. Лекин баъзи ҳудудларда бу каби йўл белгиларининг нотўғри ўрнатилганлиги ёки аҳволи ачинарли, ҳатто қандай белгини ишора қилаётганини ҳам билиб бўлмайдиган даражада эканлигига гувоҳ бўласиз.

Масалан, Самарқанд туманининг "Пулимуғоб" ва "Чумчуқли" маҳаллаларини ажратиб турувчи чорраҳада ёки Челак ва Самарқанд шаҳарларини боғловчи йўлда ўрнатилган, сиз суратда кўриб турган йўл белгилари дарахт шохлари орасида қолиб кетган. Бу йўл белгилари нимани ифодалаётганлигини ҳаракатланиб кетаётган автомашина ҳайдовчилари англаб олиши мушкул. Аслида, бу каби йўл белгилари ҳаммага кўринадиган, дарахт шохлари ёки қўшимча таъсирдан холи жойларга ўрнатилмайдими? "Чангалзор"га йўл белгиларини ўрнатишдан муддао нима?



Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, "Тўхташ тақиқланган" (3.27) йўл белгиси аксарият жойларга "ноўрин" ўрнатилган. Сабаби бу белги ўрнатилган кўплаб ҳудудларда "Тўхташ тақиқланган" белгининг ёнидан бошлаб машиналар турнақатор тизилиб турганлигини кўрасиз. Ё ҳайдовчилар белгиланган тартиб-қоидага бўйсунмасдан автомашинасини атайин тақиқловчи белгининг ёнига қўйиб қўйишган ёки бу белгиларнинг жойи нотўғри танланган. Агар бу белгиларнинг жойи тўғри бўлса, нега уларни назорат қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда? Тўғри, бу гаплар йўл-патрул хизмати ходимларига хуш ёқмаслиги табиий, аммо ҳақиқат.

Биз гувоҳи бўлган Тойлоқ тумани марказидаги бир ҳолатга эътиборингинингизни қаратмоқчимиз. Йўл четига ўрнатилган "Тўхташ тақиқланган" белгисининг олдида бошқа жойларда бўлгани каби 4-5 та автомашина тўхтаб турибди. Йўл-патрул хизмати ходими эса қоидабузар автомобилларнинг орасига "яшириниб" олган. Хўш, савол туғилади: Нега йўл-патрул хизмати ходими ушбу қоидабузарларга чора кўрмаяпти? Ходим бу ерда "Тўхташ тақиқланган" белгиси борлигини билмайдими? Ёки билиб туриб билмаганга оляптими? Унга бундан нима наф?

Айбни бир тарафга тўнкаш ниятидан йироқмиз. Албатта, "қарс" икки қўлдан чиқади. Ҳайдовчилар тақиқланган ҳудудда шахсий автомобилини тўхтатиб, бамайлихотир юриши ҳам бор гап. Улар бу белгилар нимани англатишини билишмайди ёки тартиб-қоидани писанд қилишмайди.

Ҳурматли ҳайдовчилар ва йўловчилар, кўчада ҳаракатланаётганингизда тартиб-қоидага ва, албатта, йўл белгиларига қатъий риоя қилинг. Бу белгилар шунчаки ўрнатилган кераксиз матоҳлар эмас. Улар, қайсидир маънода, кунда, кўз ўнгимизда рўй берадиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ўрнатилган асосий воситалардир. Ўз ҳаётимизнинг қай тарзда кечишига ўзимиз сабабчимиз. Биздан талаб қилинадиган ягона нарса – эътиборлилик ҳамда қилаётган ҳар бир ишимизга масъулият билан ёндашишдир.

**Ваҳобжон АВАЗОВ,**
**Асилбек АБДУРАИМОВ.**

**Сўнги кунларда Самарқанд вилояти Ургут тумани "Жартепа" ва "Санчқул" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига суюлтирилган газ етказиб бериш борасида баъзи бир муаммо ва камчиликлар учраётганлиги хусусида гап-сўзлар пайдо бўлди.**

## НАФСНИНГ ҚУЛИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ

Айни пайтда Булунғур туманида суюлтирилган газ етказиб бериш борасидаги муаммоларни ўрганиш учун Самарқандда бўлиб турган "Hududgazta'minot" акциядорлик жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан юқоридаги масала юзасидан Ургут туманида ҳам ўрганишлар олиб борилди.

Тумандаги 102 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги мавжуд 69 минг 723 та истеъмолчиларга 14 та "ISUZU" автотранспортлари орқали суюлтирилган газ етказиб бериш ҳолати ишчи гуруҳ томонидан танлов асосида ўрганиб чиқилди. Туманнинг "Жартепа", "Санчқул", "Ғойиб ота", "Ваткан-Кўзбек", "Мирзабоғлон", "Камангарон", "Қуйитегина", "Мерганча", "Алгар", "Юқори Тегана" каби жами 23 та маҳалларида аҳоли билан мулоқотлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида, ҳақиқатдан, жойларда аҳоли ўзлари келишган ҳолда бир кишининг хонадонида бўш газ баллонларини йиғиш ва шу ердан тарқатишни йўлга қўйганлиги, хонадон эгалари томонидан эса нархлар сунъий равишда оширилиб, натижада ҳар бир тўлдирилган газ баллонлари 30 минг сўмгача сотилаётганлиги аниқланди. Жумладан, биргина "Ваткан-Кўзбек" маҳалла фуқаролар йиғинида бу каби 4 та ҳолат аниқланган бўлса, "Ғойиб ота" қишлоғида худди шундай 2 та ҳолат қайд этилди.

Мазкур ҳолатлар ишчи гуруҳ томонидан тўлиқ бартараф этилиб, суюлтирилган газ етказиб бериш тартиби, уни ўрнатишда амалга ошириладиган ишлар ҳамда нархлар бўйича аҳолига маълумотлар берилди.

(Давоми 2-бетда)

## САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ САНАСИ ДЕКАБРДАН МАРТ ОЙИГА КЎЧИРИЛАДИМИ?

**Дунё мамлакатларида парламент сайловлари қандай ўтади? Сиёсатга қизиқадиган инсонларда мана шундай савол туғилиши, табиий. Чунки, сайловлар фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва билвосита иштирок этиш омилидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида "Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга".**

"Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим", дейилган.

Турли давлатларда сайловлар бир-биридан бир қанча жиҳатлари билан фарқланади. Сайлов ўтказиш тартибларини белгилаб берувчи сайлов тизимининг ҳам мамлакатлар ўзига мосини танлаб оладиган уч тури мавжуд.

Мажоритар сайлов тизимида кўп овоз олган номзод муайян округ бўйича сайланган ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу сайлов тизимидан фойдаланилади. Мутлақ кўпчиликнинг овозига асосланган мажоритар тизимда берилган овозларнинг умумий сонидан кўп овоз, яъни 50%+1 та овоз олган номзод сайланади. Нисбатан кўпчиликнинг овозига асосланганида эса номзодлар орасидан ўз рақибларининг ҳар бирига нисбатан кўп овоз олгани ғолиб ҳисобланади.

Пропорционал сайлов тизимида сайлов округлари тузилиб, уларда ҳар бир партия ўз вакилларининг рўйхатини илгари суради, сайловчилар эса тегишли партиялар ёки оммавий ҳаракатлар томонидан кўрсатилган вакилларнинг рўйхати учун овоз беришади. Бундай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Аралаш сайлов тизими ўзида ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимларини мужассам этади.

Кейинги ўтказилган сайловлардан сўнг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан мамлакатимизда мажоритар-пропорционал сайлов тизимига ўтиш тўғрисида таклифлар илгари сурилди. Сабаби, партия ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларига эришишда ўз номзодларини тўғридан-тўғри сайланиши тарафдори. Бу ташаббус ЎзМТДПнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, унда шундай дейилади: "Сайловларни мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини уйғунлаштирган ҳолда ўтказиш, яъни вакиллик органларига депутатларнинг ярмини бир мандатли сайлов округлари, қолган ярмини партиялар рўйхати асосида шакллантиришни таклиф этиш".

(Давоми 2-бетда)



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, "Жартепа" маҳалласида кўтарилган муаммони бартараф этиш ишлари яна бир бор кўриб чиқилди. Истеъмолчиларга ҳар бир иш газ хўжалиги қоидаларига мос равишда амалга оширилиши юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди.

# НАФСНИНГ ҚУЛИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ

Бугунги кунда ҳудудда суюлтирилган газ маҳсулотини белгиланган нарх асосида сотиш йўлга қўйилганлиги, хизматлар бўйича халқнинг эътирози йўқлиги ҳамда истеъмолчиларга газ ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилаётганлигидан "Жартепа" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси хурсанд.

Шунингдек, туманнинг аҳоли сонидан келиб чиқиб, ҳудуддаги 4 та сектор раҳбарлари билан келишилган ҳолда, суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб беришда янги тизим, яъни ҳудуддаги маҳаллалар кесимида навбатма-навбат етказиб бериш графигини тасдиқлаш учун янги режа ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йил октябрь ойининг 22 санасида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали ходимлари томонидан Ургут тумани ҳудудида истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб бериш жараёнида қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун Ургут тумани прокуратурасига юборилган эди.

Энди эса, юқорида қайд этилган ҳолатга ҳам шароит яратишда гумонланаётган ходимларга қонунда белгиланган чораларни кўриш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Шу ўринда, "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали истеъмолчилардан суюлтирилган ва табиий газ таъминотига доир мурожаатлар ёки соҳа ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлганида филиалнинг Call-марказига (66) 239-78-02 ёки авария диспетчерлик хизматининг 104 рақамига қўнғироқ қилиб етказишларини сўраб қолади.

**Ўз мухбиримиз.**

# САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ САНАСИ ДЕКАБРДАН МАРТ ОЙИГА КЎЧИРИЛАДИМИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистонда кейинги икки йилда сайлов тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қанча тизимли ишлар олиб борилди. Жумладан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлардан бири бу – Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг қабул қилиниши бўлди. Шу ўринда ушбу муҳим ҳужжат турли йилларда қабул қилинган сайлов қонунчилигига оид 5 та қонунни мужассамлаштириб, ягона ҳужжатга келтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кодекс икки қисм, 18 та боб, 103 та моддадан иборат бўлиб, унда бир-бирини такрорловчи қоидалар бирлаштирилди, ҳужжатга янги ҳуқуқий қоидалар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари учун Қонунчилик палатасига махсус 15 та депутатлик мандати квотаси ажратиш бекор қилинди.

Сайловчиларнинг эса ягона электрон рўйхатини тузиш ва сайлов компаниясида унга қатъий амал қилиш тартиби белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг дахлсизлиги, ягона сайлов участкасини шакллантириш, Сенат аъзолари сайланишини қонунийлаштириш, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатувчи субъектларни кўпайтириш юзасидан ҳам янги ҳуқуқий асослар мужассамлаштирилди.

2019 йилнинг 22 декабрида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сайловларнинг Янги Сайлов кодекси асосида ўтказилиши натижасида сайлов тизими жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган институтга айланганлигини эса алоҳида таъкидлаш жоиз.

Янги Ўзбекистонда тобора чуқурлашиб бораётган сиёсий ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу жараёнлар изчиллик, тадрижийлик, халқчиллик, халқ розилигига эришиш, ошкоралик ва халқ иродаси асосида кечмоқда. Буни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан ҳам кўриш мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, Фармон лойиҳасида сайловлар ўтказиш санасини декабрдан март ойига кўчириш тавсия этиляпти. Маълумки, депутатлар 5 йиллик муддатга сайланадилар. Аммо, ушбу муддат тугамай туриб, декабрь ойида навбатдаги сайлов бўлиб ўтмоқда. Бу ҳолат биринчидан, парламентнинг беш йиллик ҳаётини сарҳисоб қилишда муаммоларни келтириб чиқараётган бўлса, иккинчидан, ҳали депутатнинг беш йиллик муддати тугамасдан унинг сайлов округида янги депутат сайланаётгани билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда 2015 йилги Президент сайловлари 29 мартда бўлиб ўтган эди. Умуман олганда, мамлакатда сайловларнинг март ойида ўтказилиши кўпчилик таҳлилчилар томонидан маъқулланмоқда.

Фармон лойиҳасида белгиланганидек, "Сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини молиялаштиришда давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан кўп бўлмаган миқдорда хусусий маблағларни жалб қилишга рухсат бериш" қоидасининг ўрнатилиши ҳам жаҳон стандартлари ва халқаро тажрибаларга монанддир. Чунки, ўтган даврда сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши давлат молиявий бюджети билан чеклаб қўйилиши натижасида аксарият партиялар молиявий қийинчиликларни бошидан кечирдилар.

Бизнингча, энг муҳими, ушбу Фармон лойиҳасида "Парламент сайловларида мажоритар тизимдан аралаш (мажоритар-пропорционал) тизимга ўтиш масаласини ўрганиб чиқиш" масаласининг қўйилишидир. Бундай янгилик ўз-ўзидан сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва обрўсини кўтаришга хизмат қилади. Зеро, Европа ва Япония давлатларида сайловларнинг бу усулини қўллаш натижасида сайлов компанияларига нафақат йирик ва кучли партиялар, балки, кичик партиялар, шунингдек, озчилик сонли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар ҳам таъсир қила олиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди, яъни, уларнинг вакиллари орасидан муайян депутатлар сайланиши учун имкониятлар пайдо бўлади. Сайловларнинг мажоритар тизимида эса бу каби имкониятлар бўлмайди, сайлов компанияси, асосан, йирик партиялар учун ишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши халқ розилиги принципига асосланган янги Ўзбекистоннинг шаклланаётганини ҳам ифодалайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, сайлов тизимини демократлаштириш – давлат ҳокимияти органларини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Янги Фармон лойиҳасида кўтарилаётган янги қоидалар, принциплар эса мамлакатимиз сайлов тизимининг халқаро стандартлар ва ривожланган давлатлар тажрибаси асосида янгиланаётганлигидан далолатдир.

**Озода НОРИМОВА,**
**ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши девони бош мутахассиси.**

# ВИРУСГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ

**Март ойининг ўрталаридан буён халқимиз коронавирус туфайли кўплаб қийинчиликлар ҳамда синовлардан ўтиб келишмоқда. Республикамизнинг барча жабҳаларида бутун дунёни ларзага солган, "Covid-19" номини олган тождор вирусга қарши курашиш мақсадида зарурий чоралар кўрилаётир. Жумладан, Жомбой туман тиббиёт бирлашмасида ҳам бу борада тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.**

Ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар туманда ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг мавсумий кўтарилиши ҳамда бу дунёдаги эпидемиологик вазиятнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, туманда эпидемик барқарорликни таъминлаш, мавсум давомида профилактик эпидемияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш, туман ҳудудига коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида ҳукумат томонидан маъқулланган бир қатор меъёрий ҳужжатлар асосида мувофиқлаштирувчи штаб ташкил қилинди ҳамда етакчи мутахассислар, керакли жиҳозлар билан таъминланиб, интернет тармоғига уланди. Даставвал, тиббиёт бирлашмаси ҳудудига битта кириш жойи орқали кириш тизими ўрнатилиб, санитар-кузатув пости ташкил қилинди ва фуқаролар мурожаатларини онлайн қабул қилиш йўлга қўйилди.



Бундан ташқари, юқумли касалликка қарши курашишда тажрибали инфекционист-врачлар, реаниматологлар ва туман санитар осойишталик маркази ходимларидан иборат маслаҳат гуруҳи тузилган. Туман тиббиёт бирлашмасининг барча бўлимлари, хусусан, ҚОП ва ҚВПларининг ходимлари томонидан мунтазам дезинфекция ишлари ўтказилмоқда. Тиббиёт бирлашмаси томонидан перигидроль, гипохлорид кальций, АВК, спирт, шприцлар, бир марталик қўлқоп ва ниқоблар, дезинфекция қилиш учун 10 дона пульвизаторлар, инқирозга қарши тузилган фонд ҳисобидан 25 та пирометрлар ҳамда махсус ҳимоя кийимлари олинган.

Тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлимида иситмаси юқори бўлган беморларнинг кунлик рўйхати тузилиб, штаб орқали КТМП, ҚОП ва ҚВП ходимларига етказиб берилиши ва улар томонидан назоратга олиниши йўлга қўйилган. Тез ёрдам бўлимида махсус 3та бригада тузилиб, тезкор тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, жомбойликларнинг огоҳлигини ошириш мақсадида тиббиёт ходимлари томонидан маҳаллаларда, аҳоли яшаш хонадонларида кунлик санитар тарғибот ишлари ҳали ҳамон тўхтатилгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Бош санитария врачининг 2020 йил 14 мартдаги "COVID-19" коронавирус инфекциясининг Республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 4-сон қарори юзасидан Жомбой туманида 2020 йил 1 мартдан 2020 йил 3 ноябрга қадар 2312 нафар фуқаролар тиббий назоратга олиниб, кузатувда бўлиб келишмоқда. Тадбир бошидан эса 2254 киши уй назоратидан чиқарилган эди. Бугунги кунга келиб туманда ўз уйларида даволаниб келаётган фуқаролар сони 71 нафарни ташкил этади. Шунингдек, юқумли касалликлар бўлимида стационар даволанишда 25 нафар киши даволанмоқда. Эндиликда уйда даволаниб, тузалганлар 372 кишини ўз ичига олган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, октябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги кунга қадар вирус билан касалланиш ҳолати сезиларли даражада камайиб бораётганлиги Жомбой аҳлини анчагина хурсанд этади.

Туманимиз ҳудудида 56 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, ушбу мактаблар бугунги кунда анъанавий таълим шаклига қайтишган. Мактабдаги ҳар бир ходим ва ўқувчилар ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб бориш мақсадида ҳар бир мактабга 1 нафардан ҳамшира бириктирилган. Президентимиз ташаббуси билан мактабларда фаолият олиб бораётган 1-5 синф ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келаётган барча ўқитувчилар гриппга қарши эмланди.

Шу билан бирга фуқаролар мурожаатини қабул қилиш мақсадида Call-марказ ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ тун-у кун халқ учун холис хизмат қилиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, белгиланган карантин қоидаларига сўзсиз риоя қилсак, тез орада коронавирус балосидан халос бўлишимизга аминман!

**Эрмуҳаммад БОЙМУРОДОВ,**
**Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.**

**Халқимиз ерни яхши кўриши, унга меҳр бериши азалдан барчамизга маълум. Ердан ўз ўрнида фойдалана билиш ҳам бир санъатдир. Айни пайтда юртимиз бўйлаб фермер хўжаликлари ходимлари ўз ишларига масъулият билан ёндашган ҳолда, кўплаб самарали ишларга эришиб келишмоқда.**

# БОШОҚЛИ ДОН ЭКИШ РЕЖАСИ ТЎЛИҚ БАЖАРИЛДИ

Жомбой туманида 2021 йил ҳосили учун 537 та фермер хўжаликларининг жами 8 минг 735 гектар майдонида кузги бошоқли дон экилиши режалаштирилган бўлиб, 2020 йил 26 октябрь ҳолатига кўра туман бўйича кузги бошоқли дон экинларини экиш режаси 100 фоиз бажарилди. Ушбу майдонларда ҳар бир гектар ер майдонига 200-250 кг фосфорли ўғитлар билан экилиши таъминланди ҳамда агротехник тадбирларга риоя қилган ҳолда бошоқли дон экинлари тўлиқ ва сифатли экилган.



Бошоқли дон экилган майдонларда 1-суғориш ишлари тўлиқ якунига етказилиб, 553 гектар майдонида 6.1 фоиз 2-суғориш ишлари амалга оширилган. Ноябрь ойида маҳаллий ўғит чиқариш режаси 26 минг 206 тонна бўлиб, бугунги кунга қадар 3 минг 580 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Ноябрь ойи якунига қадар қолган 22 минг 626 тонна ўғит жамғариш ишлари тўлиқ амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, йилдан йилга ерга бўлган эътибор тобора ошиб, ундан манфаатли фойдаланишнинг замонавий усуллари яратилиб келинмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ер бизнинг биринчи навбатдаги онамиз ва унга қандай муомала қилсак, у бизга ундан ортиғи билан жавоб қайтаради.

**Ўз мухбиримиз.**

# МОЛЛЮСКАЛАР ВА УЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

**Сир-у синоатга тўла сайёрамиздаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси доим инсониятда катта қизиқиш уйғотиб келган. Айниқса, сув ости дунёси, унинг ўзига хос хусусиятлари олимларимиз томонидан мунтазам ўрганилиб, бу борада кўплаб илмий изланиш ва тадқиқотлар ўтказиб келинади. Самарқанд давлат университети профессори, биология фанлари доктори Зувайдулло Иззатуллаев яратган "Марказий Осиё сув экотизимлари моллюскалари фаунаси" илмий мактабида ҳам сув ости ҳайвонот оламининг ноёб турларидан бири бўлган моллюскалар чуқур ўрганиб келинмоқда.**

Дарҳақиқат, дунёда биологик ресурсларни инвентаризациялаш ва улардан фойдаланиш инсоният олдида турган аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммодир. Айниқса, ер юзининг қуруқлик қисми кенг ўзлаштирилаётган бир пайтда, сув биологик ресурсларидан фойдаланиш истиқболларини такомиллаштириш ва уларни муҳофазалаш аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамият-



га эга. Самарқанд давлат университети олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар эса ана шу масалага қаратилган бўлиб, дунё илм-фан намоёндаларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Ҳозиргача олимлар Марказий Осиё ва Ўзбекистон сув экотизимларида учрайдиган моллюскаларни ўрганиб, 400 дан ортиқ илмий мақолалар нашр эттирди.

Айниқса, самарқандлик олимларнинг "Ўрта Осиё сув экосистемалари моллюскалари", "Ўрта Осиё сув ва унга ёндош территориялар моллюскалари фаунаси" номли монографиялари, "Икки паллали моллюскаларни ўрганиш, "Ўзбекистон моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги", "Ўзбекистон катта иккипаллали моллюскаларининг биологик хилма хиллиги ва улардан марварид етиштириш технологияси" каби мавзуларида фундаментал ва амалий лойиҳалар бугунги тараққиёт даврида ҳам ҳар жиҳатдан аҳамиятли бўлмоқда. Бундан ташқари, "Ўзбекистон сув ҳавзаларининг иккипаллали моллюскалари", "Нурота тоғлари қориноёқли моллюскалари: таксономияси, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва аҳамияти", "Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунасининг систематик таркиби, экологияси ва хўжаликдаги аҳамияти" мавзуларидаги докторлик ҳамда фалсафа докторлик илмий ишлари давомида ҳам моллюскалар ва уларнинг фойдали жиҳатлари тадқиқ қилинди.

— Ўрта Осиёда илк маротаба иккипаллали моллюскаларни биология фанлари доктори профессор Зувайд Иззатуллаев ўрганган, – дейди СамДУ "Экология ва ҳаёт фаолияти хавсизлиги" кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор Ҳусниддин Боймуродов. — Ўрта Осиё ва Ўзбекистон сув экотизимларида тарқалган иккипаллали моллюскаларни ўрганиш чиндан ҳам долзарб масала саналади. Чунки, бугунги кунда моллюскалардан балиқчилик хўжаликларида балиқлар, сув ва сув олди қушлари учун озуқа сифатида кенг фойдаланилади. Шу билан биргаликда улардан марварид ҳам олинади. Марварид етиштириш бўйича СамДУ иссиқхонасида ва кафедра лабoториясида тадқиқотлар олиб борилмоқда ва дастлабки марваридлар олинган.

Олимларнинг таъкидлашича, бугунги кунда жаҳонда сув экотизимлари биологик ресурсларига, хусусан, иккипаллали моллюска маҳсулотларига бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда.

— Иккипаллали моллюскалардан озиқ-овқат хомашёси, қимматбаҳо марварид етиштирилмоқда ҳамда ривожланган мамлакатларда улардан сув ҳавзаларини тозалашда кенг фойдаланилмоқда, – дейди Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси Муроджон Ҳожиев. — Бу ўринда, айниқса, иккипаллали моллюскалар ичида чучук сувларда тарқалиши бўйича алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон сув ҳавзаларида Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё дарёларида, балиқчилик хўжаликларида иккипаллали моллюскаларнинг 60 дан ортиқ турлари тарқалганлиги аниқланган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, яқин орада Самарқандда чиғаноқлардан балиқ учун озуқа, марварид ва садаф олиш йўлга қўйилиши мумкин. Бунинг учун эса Самарқанд давлат университети олимлари катта иккипаллали моллюскаларни етиштириш технологияси устида ишламоқда. Мазкур тадқиқотдан чиғаноқлардан садаф ва марварид етиштириш мақсад қилинган. Шунингдек, чиғаноқ танасидан олинадиган масса қушлар ва балиқларни боқишда хомашё олиш кўзда тутилган. Университет маъмурияти тақдим этган маълумотга кўра, катта иккипаллали моллюскаларни етиштириш услуби Марказий Осиёда илк бор тақдим этилмоқда.

Изланишлар Зарафшон дарёси соҳили сувларида ҳамда университетда ташкил қилинган оранжериядан олиб борилмоқда. Келгусида тадқиқот натижаларидан самарали фойдаланиш мақсадида кенг қамровли изланишлар бажарилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, самарқандлик олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, чуқур тадқиқот ишлари қимматбаҳо марварид, садаф олиш, қушлар ва балиқлар учун озуқалар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

**Фарида опа ва Насибулло ака турмуш қурганларига беш йилдан ошди. Аммо улар ҳалигача фарзанд кўришмади. Ўнлаб шифокорлар кўригидан ўтишди, лекин бари бефойда кетди. Униси Фарида опадан, буниси Насибулло акадан айб топишади. Бироқ ҳеч қайсиси аниқ ташхис қўйишмади. Қариндош-уруғ, дўст-биродарлар уларга қўлдан келганича маслаҳат беришди.**

# Яна келасиз-а?



Фарида опа кўп бор уйидагиларга ажралиш ҳақида гап очди, лекин Насибулло ака бунга кўнмасди. Насибулло ака шаҳар меҳмонхоналаридан бирида менежер лавозимида ишлайди. Бир куни у ишдан қайтаётиб талабалик йилларидаги қадрдон ошнаси Абдураҳмонни тасодифан учратиб қолди. Икки дўст йўл ёқасидаги мўжазгина чойхонага киришиб, узоқ суҳбатлашишди:

— "Уйингдагилар, фарзандларинг тинчми, дўстим?" – сўради Абдураҳмон.

— "Ҳали фарзандли бўлмадим",- деди Насибулло бошини қуйи солганча бироз жим қолиб.

Абдураҳмон берган саволидан ҳижолат тортиб, ўзини оқлашга тушди:

— Сиқилма, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Айтганча, хабаринг борми йўқми билмайман, ҳозир мен шаҳардаги 7-сонли болалар уйи директориман. Хоҳласанг, ўша ердан бирор болани келин иккалангиз асраб олишингиз мумкин, нима дединг? Ҳар ҳолда ўша бола билан ҳам бироз андармон бўласанми, дейманда.

— Майли, дўстим, бугун уйдагилар билан маслаҳатлашиб, эртага ўзим ёнингга ўтаман.

— Унда келишдик, эртага сизларни иш жойимда кутаман", – дея хайрлашди Абдураҳмон.

Эртасига келишилган вақтда эр-хотин иккови айтилган жойга боришди. Абдураҳмон уларга болаларни кўрсатди. Фарида атрофга синчковлик билан назар солди, бирдан дераза ёнида ташқарига термулиб, ҳаёл суриб, маҳзун ҳолда турган қизчага кўзи тушди. Унга қаради-ю, юрагида нимадир жиз этди. Секингина Насибулло акани имлаб, уни кўрсатди. Оқ-сариқдан келган, жингалак сочли, қошлари туташган, ўнг юзида миттигина холи бор, тушкун чеҳрали бу қизалоқни у ҳам ёқтириб қолди. Улар қизчанинг ёнига боришди. Фарида унинг сочларини силамоқчи эди ҳамки, қизалоқ унга бир хўмрайди-да, қовоғини уйганча, қўшни хонага чиқиб кетди.

—"Бу қизимиз, шунақа, кўнгли нозик, хафа бўлмайсиз, синглим. Тўрт ёшлигида ота-онаси уйида олов ичида қолиб кетишган. Робияни (қизчанинг исми) эса тоғаси қутқариб, шу ерга топширган. Шундан буён ота-онаси олиб кетишига ишониб, эртадан кечгага шу дераза ёнида ўтиради. Унинг кўнглини олиш бироз қийин бўлса-да, сизлар яхшилаб ҳаракат қилинг. Барибир бир кунмас, бир кун сизларга меҳри тушиб қолади. Фақат сизлар бунинг учун астойдил ҳаракат ва сабр қилишингиз керак. Шунда ҳаммаси яхши бўлади", – деди Абдураҳмон ака.

Шу кундан бошлаб Фарида опа ва Насибулло ака тушликдан сўнг ҳар куни болаларга турли совға-саломлар, егулик ҳамда турли хил кўринишдаги кийим-кечаклар олиб, меҳрибонлик уйига боришадиган бўлишди. Фарида Робиянинг кўнглини олиш учун астойдил ҳаракат қилар, унга ёқадиган ширинлик, ўйинчоқлар олиб келиб берар, бироқ Робия уларнинг ҳеч қайсисига эътибор бермай, дераза ёнида ташқарига термулганча ўтирар эди. Аммо Фарида таслим бўлмади, унга меҳр беришда давом этди. Бир кун келиб Робия ҳам уларга меҳр қўйишига ишонарди.

Кунлар шу алпозда ўтаверди. Бора-бора Робия ҳам Фарида опага гапирадиган, бирга ўйнайдиган бўлди. Бундан ҳамма хурсанд эди. Робия шундай кунларнинг бирида Фарида опа ва Насибулло аканинг олдидан чиқиб, эшик ёнида турганча улар анчадан буён интиқиб кутаётган, бир умр қувонч бағишловчи сўзни айтди.

— Яна келасиз-а?

**Ойша РЎЗИБОЕВА,**
**Андижон вилояти.**

(Давоми. Бошланиши олдинги сонда)

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

# NAVOIY

## (Novel)

Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

Students who lived on the money from vaqf *(A type of tax in medieval times)* were in a difficult situation now. They had already spent all their money during the cold winter and now were facing the problem to get something to eat for dinner once or twice a week. There was nothing to sell and make money. When they talked about dinner Tugonbek would say: "We will, for sure, find a way out, it must not be a problem in such a big city as Herat!" and then he would go out and find ingredients to cook a meal.

His roommates knew that he did not have a penny in his pocket, but nevertheless they never asked him how he found money for the staff. But today, even though the conversation about dinner have continued for hours, Tugonbek said nothing. He just sat in a corner of the hujra staring at one point for a long time as if he was feeling bad. They all heated the oil and fried meat. In some hujras delicious meals were prepared even twice a day. The owners of those hujras did not depend on the incomes from vaqf. They came from rich families. In the evenings they talked about interesting events. They gathered together with their friends and drunk alcohol, listened to music and watched dances; in short, they had a good time...

After a long discussion, they could not find any solution and then Aloiddin Mashhadiy who was sitting on the top of the room moved and shook his head. Then he sighed deeply and complained about life and read the following lines loudly:

It is a world which betrays you
Gives wealth to the villains
And laughs at the poor.

Then Zayniddin suggested which had always given very good results i.e. he said that they were supposed to write an ode about one of the old princes, honoured men of the city. Even though all others liked the idea Aloiddin did not approve it, because he thought that it was him only to do so and he did not want others to interfere with it. Who knows, may be, Mashhadiy will write a very good ode and the prince could offer him very expensive clothes, some money and some sheep and that's why he did not want to share anything with others. Unfortunately Mashhadiy has never been praised like this yet, but he always believed in his talent and that's why he always had a thought like this...

Zayniddin wanted to appease Aloiddin so he got serious and said the following:

— If I were a poet of ode I would write an ode to Sultan Husayn Boyqaro and would get royal clothes and praises, because two weeks ago he was appointed as a king and he calmed down a lot. I am completely sure that he will praise and respect poets now.

— They say that the Sultan himself is a very talented poet as well, – said Sultonmurod, — it turns out he can write very beaut iful poems. And I have no doubt that he will esteem the work of poets because he himself is a great




enthusiast of beauty and poems.

Even though Aloiddin tried to pretend not to pay attention to these words, actually he was worried about it very much. He took Zayniddin's words as sarcasm. In response to Zayniddin's words he aid: "The new king himself is a great poet and he is interested in beauty of words very much, so don't dare to write an ode to him!", having said these words he said nothing more and looked down keeping a long silence.

Tugonbek who has still been sitting with his serious face started to talk:

— Do you want to take something to eat from the king now? You've better pray for Allah instead... the kings have their own problems such as feeding their warriors and build castles, let alone care about yourselves. Kings think more about journeys and wars rather than madrassahs.

— They say that Husain Boyqaro is both a poet and a scientist and we can expect good deeds from him, – said Zayniddin with a great confidence.

— "The people of Khorasan are now thirsty for fairness and justice as a desert which needs water. Perhaps, our hopes will come true", – said Sultonmurod stretching his hands.

Tugonbek touched his mustache with his thick fingers and smiled with sarcasm.

Aloiddin Mashhadiy completely closed his eyes as he always did when he was angry with someone or something.

An old servant Hoki Solih came into the hujra. He was a thoughtful and a little bit silly man.

— Hey, you, the men who gained much knowledge without reading a single book, aren't you here? – he said to Sultonmurod and went on smiling. — Recently I have been to Chorsu and one of your friends who sells halvah told me that he wanted to invite you and mullah Zayniddin to his house. Perhaps he will read for you one of his new poems or maybe something else.

Sultonmurod became very happy and turned to Zayniddin.

— We will certainly go, – said Zayniddin standing up, — and we will have a good time there by making a pleasant conversation.

— What a wonderful city Herat! – said Tugonbek shaking his head. — Both the halvah seller and the cook are poets. You should go there, his poems might not have taste but his halvah will taste, I am sure.

— The halvah seller mavlono *(Title of respect, especiall among religious people)* Turabiy is an educated man, – said Zayniddin with anger. — We can take you with us and you will appreciate his knowledge on your own there.

Tugonbek smiled as a sign of agreement. Aloiddin Mashhadiy slowly opened his eyes and turned his face back.

They left the madrassah having finished the afternoon prayer. Two students were dressed in clean, long and wide oriental robes and they had white turbans on their heads. They were walking with special pride as it was a tradition for the students of madrassahs, but beside them Tugonbek was accompanying them who was dressed in poor and dirty clothes which did not fit him at all. As usual, Zayniddin told his companions that he was supposed to call at some places for a short period of time and asked them to follow him. But Tugonbek did not like it and complained about it, Sultonmurod smiled meaningfully. One would always get exhausted if he was accompanied by Zayniddin, because Zayniddin would always meet his friends, companions and close people in every corner of the street. Zayniddin would always talk to them and for instance, one of them would tell him an incident which had happened in Herat lately and another one would joke with him and the others would argue with him... He would listen to new ghazals *(Type of poem)* and verses or odes by a poet, or he would listen to a new music by a composer; and he would talk to the street guys of Herat in their language, then he would make jokes about the butcher's fat belly, about the broken scales of the greedy grocer and baker's bread... So one would ever guess how he got across the city; for instance, from the Gate Mulk to the Gate Feruzobod.

Sultonmurod held Tugonbek's arms who was willing to get rid of them and followed his friend with joy and happiness. He was very interested in walking along the city under a beautiful sky and weather because he had been reading books in the wet and narrow hujra of the madrassah for a week already.

It was spring in Herat. The sun was shining in the squares, in green gardens, in overcrowded places and in the streets with one-store old and new houses.

Zayniddin went on making different jokes. Sometimes he would leave his friends for a while to talk to his friends he met at the corners of the streets and then he would continue his jokes and stories. Sultonmurod was listening to his friend's stories and enjoying the pleasant view of spring in Herat. He loved Herat very much. There were many great madrassahs, tall towers and mosques, rich palaces decorated with the best patterns of art, beautiful houses and mausoleums of great and sacred people in this large city surrounded by high walls. Sultonmurod always enjoyed coming to these places alone again and again. He became interested in the history of this city and started to collect information about its old buildings, squares, markets and bridges from ancient manuscri pts, myths and other sources. The sources said that this city had been built by Iskandar Zulqarnayn *(Alexander the Great)*. He managed to gather dozens of verses and poems about the ancient buildings and Herat itself. All the poems gave the same idea about the greatness, beauty and importance of Herat:

***Herat is the eye and lantern of all the cities in the world,***
***If the world is like a body, Herat is the soul of the world.***

The people of Herat were proud of it and liked to compare its soil to gold and its gardens to paradise and its water to the water of heaven. All travellers from Samarkand, Baghdad, Egypt, India and China liked this city very much as well.

Zayniddin stopped and started to talk to a famous carver of Herat. This place was a hill and an attractive building of the city called Qal'ai Ikhtiyoriddin could be seen from here. It was the castle which was surrounded by high walls like mountains. Tugonbek, who had partici pated in many battles and seen lots of great castles, stared at the castle screwing up his eyes. He told Sultonmurod very interesting facts about the features of the castle. Then they spoke about the basin which was between the Gate Mulk and the Gate Ki pchoq situated far in the South of the city. Zayniddin came back. He looked at the big bazaar, crowded with lots of people, situated below the hill. One could see beks on their horses dressed in expensive oriental robes decorated with gilded ornaments, the rich dressed in Chinese silk robes and shoes, peasants on donkeys, craftsmen, rude officers punishing a criminal, warriors and thoughtful, indifferent dervishes dressed in poor robes at the corner of the crossroad. There were more beggars here than in the other parts of the city. Zayniddin nudged Sultonmurod's elbow.

— That tall guy is Haydar polvon *(Wrestler, strong man)*, – he said pointing at a man. He was beaten by Mufrid qalandar *(Hermit, wandering dervish)* from Iraq and his legs were broken. The surgeon Sheikh Husayn healed his legs in forty days digging his legs into soil. Do you see that the drunken man walking proudly? He is the grandson of a poet who has written five hundred verses during his life. He is also a poet, but he makes people who listen to his poems pay some money for it. That man with a goatee next to the grocer is Master Orif Bukhoriy... He is brilliant at carving, jewelry, hairdressing, chemistry, coverings and other stuff, in short, he is a rare man. That man on the horse is the cousin of city governor. His name is Shodi bedod. Do approach him when you shave your mustache and beard!

Sultonmurod and Tugonbek laughed loudly, then they went down and joined the people there. After a short walk, they came to the main arch of the garden called Zogon. This was the king's palace and there were more beks, authorities, armed officers than usual at the gate of the palace.

— Either the king is about to leave for somewhere or an ambassador is supposed to arrive, – said Zayniddin.

— Something is going on, people are worried about something... – said Tugonbek with his envious eyes.

— Shall we wait? – asked Zayniddin and looked at Sultonmurod. — Let's go! I am very exhausted, insisted Sultonmurod.

When they approached Chorsu, the overcrowded and noisy market, Tugonbek stopped suddenly. He did not listen to his companions, left them and disappeared in the crowd of people in the market.

— He did not want to listen to advice, said Sultonmurod smiling.

— Not at all, – said Zayniddin shaking his hand. He may find and give some grant-in-aid to poor, Aloiddin. Poet Turabiy is almost 40 years old, a modest man. He met his friends joyfully. They seemed not to have seen each other for a long time. After some words he invited them to the living room.

Zayniddin opened the door and pleasant light entered the room together with spring coolness. The room was decorated beautifully. It was a reception at the same time. Some scientists and poets from Herat often meet here with each other and Arabic, Turkish books are read by them and different issues are discussed.

All books in the bookshelf were read and they looked for some new ones and sat at the door. After a while a poet came to the room with fresh bread and candies. Students ate them all very quickly and made compliments about the candies prepared by the poet. They asked the poet to recite poems.

— Joyful poems have not been written yet,– said the poet. I just wanted to enjoy your conversation.

— "We want you to recite something" – said Sultonmurod politely. We haven't heard anything for a week.

The poet stood up slowly. He took a big book from the bookshelf and opened it, then he took a sheet of paper and passed it to Zayniddin. He looked through it one by one and put it on Sultonmurod's knee.

— It is a fact that there is nobody who can recite a poem as you in the world. You are welcome.

Sultonmurod is used to reciting poems. When he recites poems everything seems to be beautiful and bright. He began to recite the poem. Zayniddin was enjoying by listening to such a melody and shaking his hand slowly. When he stopped reciting, everybody expressed their positive comments and discussed the components of the poem.

(Давоми кейинги сонда)

(Давоми. Бошланиши олдинги сонда)

Эрнест Хемингуэй (Америка ёзувчиси Нобель мукофоти совриндори)

# Ҳаммол

## (Ҳикоя)

Қандилат Юсупова таржимаси

— Чақирилмаган меҳмонларингизни қабул қиласизми, қадрдон, – ҳаммол кайфи чоғлик билан бош ошпазга пешвоз юрди.

— Жорж амакимнинг ўзлари-ку! –Ошпаз ҳам очиқ чеҳра билан ҳаммолни қаршилади. Ошхонада яна тўртта ҳабаш стол атрофида карта сузиб ўтиришарди.

— Мана шу кичик жентельмен билан менга ҳам атаганингиз борми?

— Йўқ эди-да, – деди қувлик билан ошпаз. — То мен йўқдан бор қилмагунимча йўқ, деб ҳисоблаймиз.

— Унгача ичиб турамизми?

— Мен ичмайман, – деди ошпаз.

— Ўзимизда бор, – Жорж гўё ҳотамтойлик қилгандек ён чўнтагидан бир пинта шиша чиқарди. — Мана шу ёш жентельменнинг отаси шарафига кўтарамиз.

— У шарафлашга арзирли киши, – деб хитоб қилди бош ошпаз. Шундай, деб лабларини ялаб қўйди.

— Кичик жанобимизнинг отаси жаҳон чемпиони.

— Йўғ-ей, нима бўйича?

— Нимадан бўларди, ичишдан-да.

— Унда анча қудрат соҳиби экан, – деб ҳазиллашди ошпаз, сўнг ҳаммолга юзланиб, сўроқлади:

— Сен ўтган кеча кимлар билан овқатландинг?

— Ўзимизнинг бир гала маллавойлар билан эдим.

— Қурғурлар ҳалиям биргами улар?

— Чикаго билан Детроит орасида ҳам ичакдек бир-бирларидан айрилмадилар. Биз уларга Оқ Эскимослар деб лақаб қўйдик.

— Боплабсизлар, – деди ошпаз. — Бу дунёда ҳар кимнинг ризқ-у насибаси бор, хуллас.

Шундай деб, у товага икки дона тухум чақди. — Чўчқа гўшти билан тухум чемпионнинг ўғлига бўла қолсин.

— Кўп раҳмат, – дедим мен ошпаздан миннатдор бўлиб.

— Сенга ҳам шон-шараф хуш ёқади-я?

— Албатта, жаноб.

— Майли, сенинг даданг бир умр енгилмас бўлиб қолсин, – деб тилади ошпаз менга қарата. Сўнгра яна лабларини ялади. — Бу кичик жентельменимиз нимадир ичадилармми?

— Йўқ, қадрдон, – жавоб берди Жорж. — У менинг ҳисобимдан, менинг бугунги улфатчам.

Ошпаз амаки чўчқа гўшти билан тухумларни иккита ликопчага солди. — Қани, жентельменлар, яхшилаб жойлашиб олинглар-чи!

Жорж билан мен чоғроқ стол атрофига ўтирдик, ошпаз елиб-югуриб яна иккита финжонда қаҳва олиб келди ва қаршимизга ўтирди.

— Афтларингдан яна бошқа мулозамат ва такаллуфни истаётганга ўхшайсизлар?

— Энг яхшиси, – деди кайфи тароқ бўла бошлаган Жорж, — буткул ўчиб қолмасимиздан поезддаги ошиёнларимизга етказиб қўйсанг, шу сўнгги ниятимиз. Хўўш, темирйўл бизнесинг қалай кетяпти?

— Темирйўллар жойида, ўшандай собит турибди, – деди ошпаз. — Уол Стритда аҳвол қанақа?

— Айиқлар яна қутуряпти, – деди Жорж ҳафсаласи пир бўлган кишидек, —Урғочиларига шу кунларда бир қадамам яқинлашиб бўлмай қолди.

— Полапонларига пул тика қол, – деди ошпаз ҳазил аралаш. — Баҳайбат махлуқлар меҳр-мурувват учун анча каттталик қилишади.

Бу қочирмадан Жорж билан ошпаз маза қилиб кулишди.

— Тенги йўқ, хўб дилкаш йигитсан-да, – шавқ билан сўзлай бошлади Жорж. — Сени бу ерда кўришнинг ўзи ширин туш.

— Гапни олиб қочасан-а, – деди ошпаз баттар ҳазиллашиб. — Лакаванниус сени чақиряпти.

— У қизни мен севаман, – деди Жорж. — Сочини ким ушласа...

— Гапни ҳадеб олиб қочма, – дакки берган бўлди ошпаз. — Бўлмасам, ҳалиги маллавойлар танобингни тортиб қўйишади.

— Бу роҳатнинг ўзи-ку, жанобим, – деди Жорж кулгу аралаш. — Айни роҳатнинг ўзи шу бўлади.

— Қўйсанг-чи, ол-а!

— Яна бир илтифот кўрсатсангиз, жанобим.

Бош ошпаз одатича, тағин лабларини ялади. — О, Худойим, бу меҳмонларимнинг ризқини бу ердан тезроқ кўтаргин.

— Мен нонушта учун бирровга кирганман.

— Ола қол манави тер тўкилмай топилган биродарингни, – деб тегишди ошпаз яна. Жорж ҳалиги шишасини чўнтагига солиб қўйди.

— Бебаҳо қалбга алвидолар бўлсин, – деб хўшлашди у кейин.

— Жаҳаннамга даф бўл, – карта ўйнаётган ҳабашлардан бири орага гап суқиб, дағдаға қилган бўлди.

— Омон бўлинг, жентельменлар, – деди Жорж.

— Хайрли кеч, – деб хайрлашди бош ошпаз. Ташқарига чиқдик.

Биз ўз бўлмамизга қайтиб келдик, Жорж ҳушёр тортиб, эшик рақамига тикилиб қаради. Эшикда аввал ўн икки рақами бор эди, ҳозир эса беш бўлиб қолибди. Шунда Жорж кичкинагина нарсани пастга бир тортганди, рақамлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди.

— Яхшиси, шу ерда қола қол, сен учун қулайроқ жой шу ер, – деди у.

Мен ювиниш хонасида ўтириб кута бошладим, Жорж эса йўлаклар бўйлаб нарига кетди. Бироздан сўнг у қайтиб келди.

— Уларнинг бари ҳозир байрам қилиб ўтирибди, – деди у тушунарсиз қилиб. — Темирйўл бизнеси сенга маъқул келдими, Жимми?

— Исмимни қаердан биласиз, сиз?

— Ахир даданг сени шундай деб чақирмайдими, тўғрими?

— Тўғри.



— Жуда соз, – деб қўйди у мамнун бўлиб.

— Менга росаям ёқди, – дедим мен болаларча орзу-ҳавас билан. — Сизлар доим ошпаз амаки билан шу тарзда гаплашасизларми?

— Доим ҳам эмас, Жеймс, – деди у. — Қачонки юрагимиз ҳаёт билан қайнаб-тошганида, ўшандагина шундай очилиб ўтирамиз.

— Ва ичиб, кайф қилиб ўтирганингизда ҳам, – деб илова қилиб қўйдим мен.

— Биргина бу ҳолатда ҳам эмас. Кўнглимиз истаган бошқа нарсалардан ҳам завқланишимиз мумкин. Инчунун, ошпаз амакинг билан мен ҳамроз кишилармиз.

— Ҳамроз нима дегани?

— Ҳамроз – ҳаётга қарашлари бир-бирига ўхшаш одамлар дегани.

Мен саховатли тақдирга тан бергандек жим қолдим, шу пайт чийиллаб қўнғироқ чалинди. Жорж ташқарига чиқиб кетди, қутидаги ихчам бир нарсани тортиб олди, сўнгра яна хонага қайтиб кирди.

— Умрингда ҳеч устара билан кесилган одамни кўрганмисан?

— Йўқ.

— Билиб олишни истайсанми?

— Майли.

Қўнғироқ такроран чийиллади. — Мен яхшиси, бориб бир қараб келай. Жорж яна чиқиб кетди.

У қайтиб келгач, ёнимга ўтирди.

— Устаранинг ишлатилиши, – деб гап бошлади у, — биргина сартарошлик ҳунарини эгаллаганлар биладиган санъат эмас.

Ҳаммол юзимга айёрона назар билан қаради. — Кўзларингни бунақа шокосадек катта очма. Шунчаки маъруза қиляпман.

— Қўрққаним йўқ.

— Ахир сенга шу гапни ўзим айтдим, қўрқма, деб, – деб тинчлантирди Жорж мени. — Бу ерда сен энг қудратли дўстинг билансан.

— Бўлмасам-чи, – дедим мен хиёл енгил тортиб. Жоржнинг буткул ўчиб қолганига амин бўлдим.

— Даданг роса ёпишиб олган бало шумиди?

У яна шиша чиқарди.

— Мен билмайман.

— Сенинг даданг Худо суйган, ҳокисор қалб эгаси.

У яна ичимликдан қуйди. Мен чурқ этмадим.

— Устара мавзусига қайтсак, – деб давом этди Жорж. У палтосининг ички киссасига қўл юборди ва устара чиқарди. Чап қўлининг кафти орасига устарани ётқизиб, қўлини маҳкам қисди.

Кафт ним пушти қон бўлди.

— Устарага разм сол, – деди Жорж. — У на меҳнат қилди, на азоб чекди.

Жорж ҳалиям устарани кафтида тутиб турарди. Устарасининг қопқора сопи ҳам бор эди. Жорж устарани очди ва тиғини тўғрига қаратган ҳолда ўнг қўлида ушлаб турди.

— Бошингда сочинг борми? – деб қолди у бир пайт.

— Бу нима деганингиз?

— Битта толангни юлиб бер. Меники ўлгудек қаттиқ.

Мен бир тола сочимни юлдим, Жорж уни қўлимдан юлқиб олди. Сочимни чап қўлида ушлаганча, унга диққат билан саросаф солди, кейин устарада қўққис ҳаракат билан сочни шартта иккига узиб юборди.

— Учининг ўткирлигини қара, – деди у. Ҳалиям сўл қўлида турган узилган соч толасининг кичкина думига қараб тураркан, ҳаммол қўлидаги устарани яна айлантирди ва бошқа тарафга қараб орқа учи билан енгил зарба берди. Тиғ унинг бош бармоғига илашиб турган сочни ҳам чирт узиб ташлади. — Ҳаракатнинг оддийлигини қара, – деди Жорж шавқ билан. — Ақлни шоширадиган иккита маҳоратга қара сен.

Шу вақт қўнғироқ чийиллади ва Жорж дарҳол устарани буклаб, уни менга узатди.

— Устарага ҳазир бўл, – деб тайинлади у ва зумда чиқиб кетди. Мен устарага оғзим очилганча, уни очиб кўриб қайтадан ёпдим. Оддийгина ўзимизнинг устара. Жорж изига қайтди ва биқинимга ёпишиб ўтирди. Томоғи чуқиллаб, ичимликдан олди. Шишада ҳеч нима қолмаган эди. Жорж унга ноумид қарай-қарай, чўнтагига қайтариб солди.

— Устарани бер-чи, – деди у. Унга матоҳини узатдим. Жорж чап қўли кафтига яна устарани қўйди.

— Миянгга қуйиб олдинг-а, – деди у ўзини катта устозлардек тутиб, — учининг ўткирлиги ва ҳаракатнинг оддийлиги. Бу иккисиданда буюкроқ сир бор бу ерда. Бу таъсир ўтказиш асрори.

Жорж устарани яшин тезлигида ўнг қўлига олди, уни енгил серпади, тиғи нақ оч бўридек тиш қайраб келди ва ҳаммолнинг қора билакларининг четида ёйилган ҳолда ётиб қолди. У менга қўлини кўрсатди; муштлари орасига устаранинг сопи тиқилганди, тиғи билакларининг бўғимлари орасида очиқ ҳолда турар, Жорж уни бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғи орасида маҳкам тутиб турарди. Тиғ унинг мушти орасида қаттиқ қисилган, учи ташқаридан кўриниб ётарди.

— Ўрганиб олдингми?, – Жорж менга юзланди. — Эндиги юксак маҳорат уни қандай ишлата олишингда қолди.

У қаддини ростлади, мушти ҳамон қисилган ҳолатда экан, тиғ эса бўғимлари орасида очилган ҳолда ётаркан, ўнг қўли билан ўзини шапатилаб қўйди. Устара тиғи деразадан мўралай бошлаган офтоб нурида ёрқин ярқираб кетди. Жорж бошини букиб, уч маротаба тиғ билан ҳавога сермади. Орқасига тисарилиб, ҳавода икки марта енгил зарба қилди. Бошини ҳалиям эгиб тураркан, бўйни атрофидан чап қўлини ташлади ва мушти билан тарс-турс қилиб урди, устара тиғи олдинга-орқага, олдинга-орқага қилиб, сермалиб келаверди, ҳабаш дам бошини букар, дам эса ўзини четга отарди. У бир, икки, уч, тўрт, беш, олти марта устарада ниманидир ёхуд кимнидир сўйди. Юзи реза-реза терга ботганди, устарани букаркан, уни яна киссасига қайтариб солди.

— Бор-йўқ маҳорат уни қандай ишлата билишингда, – деди у хўрсиниб. — Чап қўлингнинг эса парболишдек майин бўлиши айни муддао.

У ўтириб, юзини артди. Бошидан кепкасини ҳам ечди-да, унинг ичидаги чарм жойини эринмай артиб қўйди. Сўнг қўнқайиб муздек сув олди.

(Давоми кейинги сонда)

**Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук мустақил фикрлайдиган, билимли ва замонавий дунёқарашга эга ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасида мақсадли вазифалар белгилаб олинган.**

## Тўгараклар ярмаркаси ўтказилди

Оқдарё туман Халқ таълими бўлимига қарашли "Баркамол авлод" болалар мактабида "Очиқ эшиклар" куни ва тўгараклар ярмаркасининг ўтказилганлиги белгиланган вазифалардан бири саналади.

Тадбирда Оқдарё туман Халқ таълими бўлими ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди. "Баркамол авлод" болалар мактабининг "Техник" ижодкорлик, "Бадиий ижодкорлик" ҳамда "Экология ва ўлкашунослик" йўналишларига аъзо ўқувчилар жами 20 та тўгаракларга қатнашиб ўрганган, ўзларининг инновацион ғоялари, хусусан, қўл меҳнати ва қалб қўри ила тайёрлаган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларидан тортиб робототехника ва электрон ўйинчоқларгача бўлган бир қатор кўргазмали маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, қобилияти ҳамда орзуларини рўёбга чиқариш ва бу борада тизимда яратилган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш механизми орқали ёшларнинг ўзлари қизиққан соҳалари бўйича кўникмалар шакллантириш ва йўналтириш асосий мақсадлардан биридир.

**Ўз мухбиримиз.**

# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

**2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ мамлакатимизда ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами куни сифатида ҳар йили тантанали нишонланиб келинади.**

Тиббиёт ходимларининг шарафли ва масъулиятли меҳнатини эъзозлаш, самарали фаолият юритиши учун зарур имкониятлар яратиш доимий эътиборда. Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган муҳим ислоҳотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, халқимизни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш кўламини кенгайтириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлаётир.

Яна бир муҳим жиҳат, соҳа вакилларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрдаги "Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4007-сонли Қарорига мувофиқ, соҳа ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари оширилганлиги ана шу эътибор самарасидир.

Тарихдан ва ҳаётдан маълумки, шифокорлик касби — энг машаққатли ва шу билан бирга энг шарафли касблардан бири. Айнан тиббиёт соҳаси вакилларининг маҳорати, малакаси, масъулияти, ўзининг касбига бўлган содиқлиги ва ҳалоллиги кўп ҳолларда инсонларнинг ҳаёти ва тақдирини ҳал қиладиган куч саналади.




Жорий йил ҳалқимизга осон келмади. Дунёда тарқалган коронавирус пандемияси мамлакатимизга кириб келиб, бутун халқимизни чинакам ларзага солишга уринди. Лекин унинг бу тажовузини бизнинг шифокорларимиз, ва умуман, тиббиёт соҳаси ходимлари йўққа чиқарди десак, янглишмаймиз. Пандемия яна бир маротаба шифокорлар ва тиббиёт ходимларини жамиятда, унинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим ўрнини яққол кўрсатди.

Сиз азизларни "Тиббиёт ходимлари куни" байрами билан самимий табриклайман, барчангизга соғлик-саломатлик, оилавий бахт-саодат, барча эзгу ишларингизга омад тилаб қоламан! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

**Жасур РИЗАЕВ,**
**Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори.**

**Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни жамиятда ўз ўрнини топишида мукаммал билим ва салоҳиятли кадрлар бўлиб етишиши йўлида юртимизда барча саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Жумладан, ёшларнинг комил инсон бўлиб, вояга етишида асосий кўприк вазифасини ўтаётган халқ таълими тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.**

# ИСЛОҲОТЛАР ИСТИҚБОЛГА ЕТАКЛАЙДИ



Жомбой туман халқ таълими бўлими тасарруфида жами 56 та умумий ўрта таълим муассасалари ва 1 та "Баркамол авлод" болалар маркази фаолият юритади. Шундан 9 та мактабнинг филиаллари мавжуд. Барча умумий ўрта таълим мактабларида 2 минг 294 нафар педагоглар фаолият олиб боради. Туманимиздаги умумий ўрта таълим муассасаларида жами бўлиб 31 минг 713 нафар ўқувчилар таълим олишади. Жорий йилда 3 минг 568 нафар ўқувчи 1 синфга қабул қилинди. Бугунги кунда барча умумий ўрта таълим мактабларимизда анъанавий дарслар бошланган. 27 минг 553 нафар ўқувчилар анъанавий тарзда, 4 минг 160 нафар ўқувчилар онлайн тарзда таълим олишмоқда. Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида қабул қилинган қўшма қарор асосида жами 2 минг 280 нафар ўқитувчиларга дори-дармонлар тарқатилди.

Ўтган ўқув йилида 2 минг 373 нафар ўқувчилар 11 синфни тамомлаб, шундан 240 нафар битирувчи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлишган бўлса, 96 нафар битирувчи ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқишга кириш истагини билдиришди. 62 нафар битирувчи ишга жойлаштирилди ва 303 нафар битирувчи тайёрлов курсларида таҳсил олишмоқда.

Туман ҳокимининг шахсий ташаббуси билан тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари учун ***"Илмдан ўзга нажот йўқ"*** шиори остида "Ҳоким стипендияси беллашуви" танлови ташкил этилди. Беллашувни ташкил этишдан мақсад – тумандаги барча умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилиш ҳолатини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни тўлдириш чораларини кўриш, ўқувчиларнинг иқтидор, қобилиятларини ривожлантириб, таълим муассасалари фаолиятига таълим сифати асосида баҳо беришдан иборатдир. Беллашув ҳар ўқув йилида тумандаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида асосий 9 та фандан 3 босқичда ўтказилади. Беллашув дарс жараёни ва ўқув режадаги дарс соатларини бажарилишига халақит бермаслиги ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида таътил вақтида карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этилади. Белгиланган фанлар ва синфлар бўйича беллашувларнинг мактаб, ҳудуд ҳамда туман босқичида юқори балл тўплаб, 1 ўринни эгаллаган бир нафар ўқувчи ғолиб, 2-3 ўринни эгаллаган ўқувчилар эса совринли ўринни эгаллаган ўқувчилар, деб ҳисобланади. Танлов барча асосий фанлар бўйича ташкил этилиб, ғолибларга ҳоким стипендияси жорий этилиши белгиланди.

Туманда маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ҳам мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан тумандаги бир нечта мактабларда маънавий-маърифий тадбирлар, шунингдек, тумандаги 40 мактабда туман ҳокимининг ташаббуси билан ўтказилган "Гуллар сайли" каби тантанали тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда.

Шу каби тадбирлардан бири жорий йилнинг 10 ноябрь куни тумандаги 23 умумий ўрта таълим мактабида педагог ходимларнинг рейтинг ўрнини белгилаш мақсадида "Устозлар беллашуви" танлови ташкил этилди. Унда тумандаги мавжуд барча 56 та умумий ўрта таълим мактабларининг 199 нафар она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари беллашишди.

Танловда туман ҳокими Қаюм Собиров, Давлат солиқ инспекцияси туман бўлими бошлиғи Шероз Азаматов, туман ҳокими ўринбосари Ҳафиза Ўсарова ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

3 босқичда ташкил этилган танловнинг биринчи босқичида ўқитувчилар "Олтин куз" мавзусида ижодий баён ёзишди. Иккинчи босқичда ўқитувчилар ўз фанлари доирасида тузилган тест синовидан ўтишган бўлса, учинчи босқичда эса барча ўқитувчилар ўзларининг китобхонлик саводхонлигини намойиш этишиб, оғзаки мушоира жараёнида қатнашишди.

Танловнинг барча турлари бўйича 28 мактаб ўқитувчиси Камола Рустамова ва 54 мактаб ўқитувчиси Фотима Жўраевалар 3 ўринни, 14 мактаб ўқитувчиси Холида Раимқулова 2 ўринни қўлга киритишди. Фахрли 1 ўринга эса 36 мактаб ўқитувчиси Юлдуз Муҳаммадиева лойиқ топилди. Танлов ғолибларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Зарифа ЮСУПОВА,**
**Жомбой туман халқ таълими бўлими мудири.**

**Сўнгги йилларда она тилимизга бўлган эътибор камайиб бораётганлигини сезяпмиз. Биз она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, айниқса, тил маданияти билан ишлашимиз баробарида бунинг ёрқин исботини топамиз.**

Кўча-кўйда, кенг жамоатчилик жойларида ва ҳатто мактабларда ҳам ўқувчилар, қолаверса, ўқитувчилар орасида ҳам ўз она тилини бузиб сўзлашаётганларни учратиб қоламиз.

тилшунос Абдурауф Фитрат ўзининг мақолаларидан бирида "Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз тили қайсидир? Биласизми? Туркча", – деб куюниб ёзганлигининг гувоҳи бўламиз. Биз эса "Ўзбекмиз", деб ғурурланамиз-у, аслида ўзбеклигимизни ўз қўлимиз билан бўғиб қўяётганлигимизни англамаймиз. Тилимизга четдан айрим сўзларнинг кириб келиши орқали миллийлигимизга, қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган маданиятни, урф-одатларни авж олдириб боряпмиз. Бу эса миллат ғururини, фахри ва ифтихорини менсимаслик билан баробар, менимча.

# Нега тил бузганга "ҳуштак чалинмайди"?

Конституциямизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши, она тилимизнинг тараққиёти, ривожланиши ҳамда ўзига хос бой бисотини намойиш этишга кенг имконият яратди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Муҳтарам Президентимизнинг ўзбек тилига бўлган эътибори, она тилимизнинг мавқеини ошириш учун чиқарган фармон ва қарорларига қарамасдан халқимиз сўзлашув маданиятига сусткашлик билан қарамоқда.

Буюк бобокалонимиз, ўзбек адабий тилининг асосчиси, деб тан олинган Алишер Навоий турк (ўзбек) тилини юксалтириш мақсадида ёзган асарларининг асосий қисмини туркчада ёзганлиги барчамизга маълум. Навоий ўзининг икки тил муҳокамасига бағишланган "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ҳам туркий тилнинг форсий тилдан юксак эканлигини амалда исботлаганлар. Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор: "Нега кўчада қоида бузган кишига ҳуштак чалинади-ю, тил бузганга ҳеч ким индамайди", – деган эди. Ёки етук маърифатпарвар,

Шунинг учун ҳам биз доимий равишда мактабимизда ўзбек тилининг мавқеини кўтариш мақсадида амалий ишларга бош-қош бўлиб келмоқдамиз. Хусусан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллик шодиёнаси муносабати билан мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида "Она тилим – миллий ифтихорим" мавзусида иншолар танловини ўтказдик. Танлов натижасига кўра, 10 синф ўқувчлари Толиб Тошбоев, Мадина Рашидова, 11 синф ўқувчиси Нигина Файзуллаевалар ғолиб деб топилдилар. Ушбу ўқувчиларимиз ёзган иншоларида ўзбек тилининг бебаҳолиги, қадриятларимизнинг улуғворлиги ва урф-одатларимизнинг беқиёслигига асосий эътиборни қаратганлар.

Тил ҳақида қайғуриш, уни асраб-авайлаш ҳақида бош қотириш ҳар бир ватандошимизнинг асосий вазифаси бўлиши керак.

**Ҳусния БОЗОРОВА,**
**Иштихон туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.**

# СИЗ ҚАЛБИМИЗ ЧИРОҒИСИЗ

**Устоз чаманнинг боғбони. Устоз гўзаллик соҳиби. Дунёнинг ривожланишида, инсониятнинг тараққий этишида устозларнинг ўрни беқиёс. Устознинг мавқеи шунчалик улуғ даражага кўтарилганки, инсон маънавий камолотга, икки дунё саодатига устоз ва мураббийларсиз эришолмайди.**



Азалдан маънавият тушунчаси моддиятдан устун бўлиб келганлиги учун бўлса керак, устоз-муаллимлар юксак эъзозланиб келинган. Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори Муяссар Махмудова ҳам ана шундай эъзозга муносиб устозлардан биридир. У киши ўзининг ватанпарварлиги, маърифатпарварлиги ва меҳнатсеварлиги билан кўпчиликнинг орасида ҳурмат топган. Муяссар Маҳмудова шогирдларига талабалик одоби, устоз олдида камтарин бўлиш, меҳр билан қалбдан масъулиятни ҳис этиш, интеллектуал, билимдон, зукко ва меҳрибон инсон бўлиш каби ижобий хислатларни ўзлаштириш хусусида ҳам сабоқ бериб келмоқда.

Қадрли устоз, жонкуяр муаллим — Муяссар Маҳмудова жорий йил профессор унвонини олиш бахтига муяссар бўлдилар. Устозни ушбу юксак муваффақият билан муборакбод этамиз. Илм йўлингиз бардавом бўлсин, шогирдларингиз бахт-у камолини кўриб юриш насиб-у рўз айласин!

Ҳақиқатан ҳам, устоз — шогирдлари тақдирига ўзини масъул билиб, бор иқтидор-у ҳунарини уларга уқтиришга интилувчи муқаддас инсон. У қалби поклик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ростгўйлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, касбни севиш ҳамда дўстларни эъзозлаш каби фазилатларни шогирдлари тафаккурига сингдирувчи олий ҳилқатдир. Азиз устозлар, сиз қалбимиз чироғисиз. Сизларга бошимиз ерга теккунча таъзимдамиз!

**Гулноза АЗИЗОВА,**
**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.**

# Хориждан гапирамиз

## Дунёдаги биринчи 6G сунъий йўлдоши

**Хитой 6G тармоғининг биринчи синов сунъий йўлдошини фазога чиқарди. Қурилма 6-авлод тармоғи тажрибавий технологияси қанчалик яхши ишлашини кўрсатиши лозим. Қурилма яна 12 та бошқа сунъий йўлдош билан бирга Тайюань космодромидан учирилган Long March 6 ракетаси ёрдамида орбитага чиқарилган.**

Tinyan 05 номи билан маълум бўлган сунъий йўлдош Chengdu Guoxing Aerospace Science and Technology, Хитой электрон фанлар ва технологиялар университети ҳамда Beijing MinoSpace Technology компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

70 килограмм келадиган сунъий йўлдошдан кўзланган асосий мақсад Ерни масофадан зондлашдан иборат. Технология маълумотларни узатишнинг 5G тармоғи тезлигидан бир неча марта юқорироқ тезлигига эришиш учун юқори частотали терагерц тўлқинлари қўлланишини кўзда тутади.

Терагерц диапазондаги алоқа бир нечта устунликларга эга. Бу устунликларга маълумотлар узатилишининг юқори тезликлари ва алоқани татбиқ қилишнинг осонлигини киритиш мумкин.

## BMWдан янги электр кроссовер

**BMW компанияси 11 ноябрда тўлиқ электрлаштирилган кроссовери iXни тақдим қилди. Янги модель яқин орада сотувда пайдо бўлиши кутилмоқда. BMWнинг маълум қилишича, машина компаниянинг моделлар қаторида янги авлоддаги биринчи электрокар ҳисобланади.**

iX олдидан 4-сериядаги BMWни эслатади, ўлчамлари бўйича эса X5га яқин. У умумий қуввати 500 от кучидан ошадиган иккита электромотор билан жиҳозланган. Кроссовер 100 километр/соат тезликка 5 сониядан камроқ вақт ичида эриша олади. Автомобил бир қувватланишда 600 километргача йўл босади.



Машинада тез қувватлагич мавжуд бўлиб, у 200 кВтда аккумуляторни 10 фоиздан 80 фоизгача 40 дақиқадан камроқ вақт ичида қувватлаш имконини беради. Машинанинг стандарт қувватлагичи 11 кВтда ишлайди ва автомобилни 10 фоиздан 80 фоизгача 11 соатда қувватлайди. Электрокар 3-даражадаги автопилот учун мўлжалланган датчиклар билан жиҳозланган. Кроссовер белгиланган йўналиш бўйича ўзи мустақил ҳаракатланиши, секинлашиши, тезлашиши, бошқа машиналарни қувиб ўтиши, бурилиши мумкин. Машинанинг эътиборли жиҳатларидан шуни айтиш мумкинки, унинг эшикларида анъанавий дастаклар ўрнига тугмалар қўлланган. Сув сепувчи идиш тешиги эса капот остида эмас, балки "тумшуғи"даги BMW белгисида жойлашган. Машинанинг радиатор панжараси нафақат радиаторни совитиш, балки яримавтоном ҳаракатланиш учун зарур бўлган камералар, радарлар ва бошқа датчикларни ҳимоялаш учун мўлжалланган. Панжара "ўзини тикловчи" материалдан ишланган: ундаги майда тирналишлар хона ҳароратида 24 соат ичида ўзи "битиб кетади".

## 26,6 миллион долларлик бриллиант

**Россиянинг "Алроса" компанияси томонидан Ёқутистонда топилган олмосдан ишланган пушти бриллиант Женевадаги аукцион вақтида 24,393 миллион швейцар франкига (26,6 миллион доллар) сотилди.**



"Роза арвоҳи" деб номланган бриллиант 14,83 карат оғирликка эга бўлиб, у дастлаб 23-38 миллион долларга баҳоланган. Овал шаклдаги ушбу бриллиант Россияда топилган энг катта пушти олмосдан тайёрланган. Унинг оғирлиги 27,85 каратни ташкил қилган.

"Пушти олмослар табиатда кам учрайди. Бундан ташқари, улардан бор-йўғи бир фоизининг оғирлиги 10 каратдан ошади. Ушбу бриллиант ҳақиқий мўъжизадир", деб маълум қилган Sotheby's аукцион уйининг қимматбаҳо зийнат буюмлари бўлими бошлиғи Гари Шулер.

Айни вақтда қимматбаҳо тошлар учун рекорд нарх 2013 йил ноябрда Sotheby's аукционида ўрнатилган. Ўшанда Pins Star (Пушти юлдуз) деб номланган, оғирлиги 59,6 карат келадиган пушти бриллиант 83,19 миллион долларга сотилган. Қимматбаҳо тош ЖАРда De Beers компанияси конидан топилган. Аукционда америкалик заргар Айзак Вулф ғолиб чиққан. Бироқ 2014 йил февралда унда бриллиантни сотиб олишга пули йўқлиги маълум бўлгач, бриллиант аукционга қайтарилган.

## Тираннозавр скелети рекорд нархга сотилди

**Ерда 67 миллион йил аввал яшаган тираннозавр скелети аукционда 31,8 миллион долларга сотилди. Таъкидланишича, бу қиймат ушбу турдаги аукцион савдолари учун янги жаҳон рекорди ҳисобланади. Динозавр скелети Christie's аукцион уйи орқали сотилган.**

"Christie's'да янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Стэн лақабли тираннозавр 31 миллион 847 минг 500 долларга сотилди", деб маълум қилинган аукцион уйида. Эътиборлиси, ушбу лот учун 6-8 миллион доллар қўлга киритиш кутилган эди.



Хабарда маълум қилинишича, сотилган скелет тираннозаврларнинг энг тўлиқ ва яхши сақланиб қолган скелетларидан бири бўлиб, унда 188 та суяк бор. У 1987 йилда Жанубий Дакота штатидаги қазилма ишлари давомида ҳаваскор палеонтолог Стэн Сэкрисон томонидан топилган. Дастлаб скелет ўтхўр трицератопс динозаврига тегишли деб тахмин қилинган ва 1992 йилдагина олимлар топилма тираннозавр скелети экани ҳақидаги хулосага келишган.

Экспертларнинг баҳолашича, топилган тираннозавр 7-8 тонна келган. Бу эса Африка фили вазнидан деярли 2 марта оғирроқни ташкил қилади. Ундаги тишлар узунлиги 27 сантиметрга етган.

Бунгача 1997 йилда ўрнатилган рекорд сақланиб келинаётганди. Ўшанда тираннозавр скелети Чикагодаги Филд табиат музейига аукционда 8,36 миллион долларга сотилганди.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

INTELLEKT
Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Муҳаррир: Ваҳобжон АВАЗОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Илҳом ТЎХТАСИНОВ(раис),Фазлиддин РЎЗИҚУЛОВ, Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Шахобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)

*Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй. Телефон: +99893 359-73-78*

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «INTELLEKT» газетаси таҳририяти компьютерида саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй.
Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: № _______

*Босишга топшириш вақти: соат 11.00 да. 2020 й. 14 ноябрь*
*Босишга топширилди: соат 11.00 да*

*Баҳоси келишилган нархда*

*t - тижорат материал*

***Навбатчи муҳаррир:*** *А.АБДУРАИМОВ.*

***Саҳифаловчи:*** *В. АВАЗОВ.*

***Нашр индекси 5588***

***Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуқтаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.***